

“БАДИЙ ФОТОКОМПОЗИЦИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

К.Бехзод номидаги МРДИ
Амалий санъат факультети
Реклама ва амалий графика кафедраси ўқитувчиси
Жасур Жумаев

Фото санъати – бадий ижод тури; асарлари фотография (сурат) воситалари асосида яратилган тасвирий санъат тури. Бадий маданиятда Фото санъатининг алоҳида ўрин тутиши фан (физика, кимё, оптика) ва техниканинг маълум ютуқлари заминида юзага келиши мумкин бўлган техникавий санъат тарихида дастлабкиси бўлганлиги билан белгиланади. 20-аср ўрталарида техникавий санъат турлари гуруҳи кинематография (кино санъати), телевидение, радио санъати, дизайн ва бошқа билан бойиган. Фото санъати ижоднинг кенг соҳасига айланди ҳамда унинг таркибида хужжатли Фото санъати, бадий фотография ва амалий Фото санъати (плакат, китоб беағи, реклама ва бошқа учун) мустақил кўринишлар сифатида шаклланди. Бу янги техника воситаси – тасвири муҳраш юзага келган кунданок тасвирий санъат намояндалари унга муружаат қилди. Фотография ихтироқиси Луи Жак Даггер асли расом бўлиб, унинг дастлабки суратлари рангтасвирининг анъанавий портрет, манзара ва натюрморт жанрлари йўлида яратилди. Илк давр фотографияси очикданочик рангтасвир асарларига таклид қилди; 19-аср тасвирий санъатидаги фотографияда ўзининг иккинчи нуҳасига эга эди. Бадий фотография номини олган бу йўналиш асосчилари Фото санъати юксак тасвирий маданиятга эришиши, нафис санъатлар билан узвий боғланиши учун қарийб 3 аср давомида таникли ижодкорларнинг катта меҳнати синган.

Фотография инсон ҳаётига тез кириб борди ва ундан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ҳаётни фото санъатисиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда 2005 йилда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти, Амалий санъат факультетининг

Реклама ва амалий графика кафедраси негизида Компьютер графикаси ва бадиий фото ихтисослиги ташкил этилди. Ҳар йили мазкур ихтисослик бўйича 10 дан зиёд талабалар етишиб чиқади ва турли корхона, агентлик, ташкилот, фотостудияларда ўз фаолиятларини олиб борадилар. Мазкур мутахассисликни талабаларга ўргатишда “Бадиий фотокомпозиция” фанининг ўрни ва аҳамияти катта. Сабаби ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар павильонда ва табиат кўйида фотоаппарат ҳамда турли ускуналар билан ишлаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Шу ўринда улар ҳақида бирма-бир тўхталиб ўтсак.

Фотоаппаратлар ишлатилиниш техникаси фойдаланиладиган материалларига қараб уч гуруҳга бўлинади:

- **плёнкали фотоаппарат** – ёруғликка сезгир материал (плёнкалар) билан ишловчи;

- **рақамли фотоаппарат** – ҳосил бўлган тасвирни пикселлар орқали ифодаланиши;

- **гибрид фотоаппарат** – бир вақтнинг ўзида ҳам плёнкага, ҳам рақамли фотосурат билан ишлай олади.

Шу ўринда фонларга, яъни тасвирга туширилаётган маълум бир объектнинг орқа тарафи қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш зарур.

Фон – таянч ранг сифатида тасвирда акс этади. Фоннинг асосий 3 та ранги мавжуд бўлиб булар: оқ, қора, кўлрангдир. Фондан фойдаланишда фоннинг ранги сидирға бўлиши аҳамиятга эга бўлиб, ёруғлик тасирида нур қайтаришига эътибор қаратиш керак. Фонлар икки турга бўлинади. Бири ёруғликни ўзига қайтарса, яна бири нурни ўзига ютади. Тасвирга тушириш жараёнида кўпинча нурни ўзига ютувчи фонлардан фойдаланилади.

Тасвирга олиш жараёнида фон сифатида турли жиҳозларни, буюмларни ва ҳаттоки одамларни ишлатса ҳам бўлади. Жумладан, гилам фонида ҳам бир бирига ўхшамас ажойиб ва жилокор тасвирларни суратга олиш имконияти мавжуд. Тасвирга олиш жараёнида нур билан ишлашда айниқса, тери рангиги

алоҳида эътибор бериш зарур. Тасвирга олишда нурдан тўғри фойдаланиш зарур бу эса ўз ўрнида тасвирга ўзгача жозиба бахш этади. Тасвирга олиш жараёнида йўл қўйилган озгина ҳато ҳам тасвир сифатини ўзгартириб юборади. Тайёргарлик босқичидан сўнг фотонинг бадиий қисми билан иш бошлаш мумкин.

Шу ўринда ёруғликка эътибор қаратиш ҳам катта аҳамиятга эга. Павильон шароитида тасвирга олиш объекти турли чироқлар ёрдамида ёритилади. Павильонда объектга тўғридан-тўғри йўналтирилган чироқ фронтал ёруғлик дейилади. Фронтал ёруғликдан асосан павильонда қўлланилади ва асосий чироқлардан бири ҳисобланади. Фронтал ёруғлик прожектор чироғи орқали объектнинг юз қисмига ёки бутун танасига умумий ҳолатда тушурилади.

Фронтал ёруғлик кўпинча тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Уни асосан икки ҳил усулда қўллаш мумкин. Биринчиси, объектга йўналтирилган чироқ ёруғлигини ёйиб бериш мақсадида, чироқ лампасининг олди ҳарир оқ мато билан тўсилади. Бу жараённи янада қулай бўлиши учун олди мато билан тўсилган, турли ҳажмга эга бўлган махсус замонавий чироқ ускуналари яратилган бўлиб, мутахассисларининг тилида софт-бокс деб юритилади. Иккинчисида, ҳудди шу усулда иш олиб борилади, аммо матодан фойдаланилмайди. Бу усулдан объектга чироқ ёруғлиги кўпроқ керак бўлганда фойдаланилади. Павильон шароитида бир нечта ёритиш ускуналаридан фойдаланиш ҳам мумкин.

Битта ускуна билан ёритишда ён чизувчи чироқ ва фронтал ёритишдан фойдаланилади. Иккита чироқ билан ёритишда контравой (ён томонидан тушириладиган ёруғлик) ва фронтал ёритишда амалга оширилади. Учта ускуна билан ёритиш кўпроқ портрет жанрида қўлланиладиган усул бўлиб, бу фронтал, контравой ва фонавой чироқлардан фойдаланилади.

Шу билан бир қаторда “Бадиий фотокомпозиция” фанини ўрганишда компьютер дастурларининг ҳам аҳамияти катта. Сабаби улардан тасвирга туширилган суратларга сайқал беришда фойдаланилади. Маълумки, компьютер графикаси йўналишида яратилган дастурий таъминотнинг

барчасини кенг таҳлил қилган ҳолда уларни 3 гуруҳга тақсимлаш мумкин. Булар 1) растрли графика, 2) векторли графика ва 3) фрактал графика. Бу дастурлар бир-бирларидан график тасвирларни яратиш ва уларни қайта ишлаш принципи билан фарқ қилади. Шунингдек, фото асарларига компьютер дарсurlари ёрдамида сайқал бериш ва бадиий жиҳатдан безатишда Photoshop дастурининг аҳамияти катта.

Photoshop – асосан фотосуратларни таҳрир қилишда қўлланилади. У ишлата оладиган ранглар қўлами ва мўйқалам турларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бу график муҳаррир бир вақтнинг ўзида бир нечта тасвир билан ишлай олади. Тасвирнинг аниқлик ва ёруғлик даражасини, ранглар балансини ўзгартириш мумкин. Тасвирини ранг бўйича қисмларга ажратиш ва ажратилган бўлак устида турли амаллар бажариш мумкин. Бу эса оқ қора тасвирлардан рангли тасвир ҳосил қилиш имконини беради.

Фотография хотира, ҳис-ҳаяжон, томошабин билан тез мулоқотга кирувчи ва санъатнинг бошқа турларини қурби етмайдиган рангтасвирга хос ҳужжатлилиқ ҳамдир. Фоторассом қайноқ ҳаёт қўйнидаги муайян лаҳзаларни муҳрлар экан, тасвирланиётган объект устидан “ҳукум” чиқаради ҳамда ўзи муҳим деб билган жиҳатни томошабинга кўрсатишга ҳаракат қилади.

Шу боисдан ҳозирги шиддатли замонда фото санъати кенг маънода жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида қадрлидир. Бунда эса компьютер графикаси ва бадиий фото бўлимининг фаолияти бекиёсдир. “Бадиий фотокомпозиция” фани эса мазкур фаолият турининг асоси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Garvey-Williams. “Mastering Composition: The Definitive Guide for Photographers”. Монография. Ammonite Press. 2015. – 176 page.
2. Erik Valind. “Portrait Photography: From Snapshots to Great Shots”. Монография. Ammonite Press. 2014. – 144 page.